

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 657.6 + 336.64

*Кутубхона*  
*Анвар*  
НУ. ЮСМХҲЖАЕВ АНВАР НАСРИТДИНХҲЖАЕВИЧ

**ХҲЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ  
ТАҲЛИЛИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 - «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2009

658.1 (043.3)

F - 79

Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Жураев Нуриддин Юсупович.**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич;**  
иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Ризаев Нурбек Кадинович.**

**Етақчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат солиқ қўмитаси.**


Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси буйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил «8» сентя соат 14 да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Х. Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «8» сентя да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган**  
**кенгаш илмий котиби,**  
**иқтисод фанлари номзоди**

 **Ф. Мирзаев.**

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида бошқарув тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президент И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз... иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда”<sup>1</sup>. Мамлакатимзда амалга оширилаётган инкирозга қарши чоралар дастурининг муҳим вазифаларидан бири: - “қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш”<sup>2</sup>ни ҳал этишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва ички аудитдан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида турли ҳўжалик юритувчи субъектлар, мулкдорлар, кредиторлар ва қарз олувчилар, ижарачилар ва пудратчилар, таъминотчилар, истеъмолчилар, бошқарув органларининг манфаатлари шаклланди. Айнан нархларни эркинлаштиришнинг салбий оқибатлари, иқтисодиётни бошқаришда юзага келган кийинчиликлар корхоналарнинг тўлов қобилиятини янада мураккаблаштирди ҳамда ҳўжалик муносабатларининг аксарият иштирокчилари манфаатларига путур етказди. Натижада, ҳўжалик субъектларининг молиявий ҳолати ва молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммоси долзарблик касб этади.

Иқтисодий адабиётда молиявий ҳолат категорияси моҳияти, белгилловчи кўрсаткичлари тизимлаштирилиши, танланиши турлича талқин этилган, бироқ улар назарий жиҳатдан етарли даражада асосланмаган. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, аудит ўтказилишини такомиллаштириш, кўрсаткичлар алгоритмларини талқин қилиш, тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиш мезонларини аниқлаш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, аудит ўтказилишининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилишига В.Г.Артеменко М.И.Баканов, А.Д.Шеремет, Г.В.Савицкая, Р.С.Сайфулин<sup>3</sup> каби россиялик олимлар ва республикаимиз иқтисодчилари: Э.А.Акрамов,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгиллаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир - Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 76-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкироз, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. – 33-34 б.

<sup>3</sup> Артеменко В.Г. Финансовый анализ - Издательство «Дело и Сервис» - Изд. дом «Сибирское соглашение», 2003. - 225 с.; Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа -М - Финансы и статистика, 2000. - 326 с.; Савицкая Г. В. Анализ хозяйственной деятельности. Учебник - Минск «Новое знание», 2006 - 400 с., Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа. - М. ИНФРА-М, 2002. -179 б.

И.Т.Абдукаримов, А.В.Ваҳобов, А.Т.Иброҳимов, Н.Ю.Жўраев, З.Т.Маматов, М.Қ.Пардаев, Е.Ергешев, Б.А.Хасанов, А.Х.Шоалимов, Р.А.Исаев, Б.А.Алиқулов, Ш.А.Тожибоев<sup>4</sup>лар илмий ишларида алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ, ушбу тадқиқот ишларида ҳужалик субъектларининг молиявий ҳолати чуқур таҳлил қилинмаган ва унинг даражасини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Фикримизча, ички аудит тизимида корхона молиявий ҳолатини бошқариш воқеаларининг ривожланиш йўналишларини аниқлашга имкон беради, бу эса, ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижалари ва уни амалга оширишга сарфланадиган харажатлар ўртасида шаклланадиган салбий таъсирни камайтиришга қаратилган тўғри, самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишига олиб келади.

Оқорида қайд этилган жиҳатлар корхоналар ички аудит тизимида унинг молиявий ҳолатини баҳолаш бўйича таҳлилий тартибларни амалга ошириш, молиявий аҳволни яхшилашнинг ички резервларини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради. Ички аудит тизимида корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишда самарали усулларини аниқлашнинг назарий ва амалий аҳамиятга эгаллиги диссертация ишининг тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент Давлат иқтисодийёт университети илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** – ҳужалик субъектлари молиявий ҳолати таҳлили ва ички аудит усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:**

- ҳужалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати тушунчасига такомиллашган тавсиф бериш мақсадида иқтисодий адабиётдаги илмий қарашларни чуқур таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;
- ҳужалик юритувчи субъектлар ички аудитини амалга оширишда таҳлил усулларининг бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлигига таъсирини аниқлаш;
- молиявий ҳолат аудитининг ахборот базасини тизимлаштириш ва унинг назорат-таҳлилий имкониятларини баҳолаш;
- молиявий ҳолат таҳлилининг амалга оширишнинг ташкилий-услубий

<sup>4</sup> Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: «Молия», 2003. - 224 б.; Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. –Т. Мехнат, 2004. – 484 б.; Ваҳобов А.В, Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил. Дарслик. –Т.: «Шарқ», 2002. - 224 б.; Маматов З.Т.Аудит:Муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.Монография - Т. 2004.-348 б.; Пардаев М.Қ, Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил (Ўқув қўлланма)-Т.: «Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001- 176 б.; Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик.-Т.: «Консаудитинформ»-Нашри нашриети, 2005.-348 б.; Исаев Р.А, Хасанов Б.А, Алиқулов А.И. Пахта тозалаш корхоналари ҳужалик фаолияти таҳлили.Ўқув қўлланма. –Т.: «Fan va texnologiya», 2008.-217 б.; Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси, 2005. - 126 б.

хусусиятларини аниқлаш;

- молиявий ҳолатни таҳлил қилишда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиб молиявий коэффициентларни прогностлаш услубини ишлаб чиқиш;

- молиявий ҳолатнинг ички аудитини ўтказиш босқичларини аниқлаш ва таҳлил усулларидан фойдаланиш йўлларини асослаш;

- ички аудит текширувини амалга оширишда таҳлилий усулларни қўлланилишига қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида “Ўздонмахсулот” ДАК тизимидаги «Ғалла Алтег» ОАЖ молиявий фаолияти олинди.

**Тадқиқот предмети** – ҳўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳолатни таҳлил қилиш ва ички аудит усулларини такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Илмий-тадқиқот жараёнида қиёсий таққослаш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, фарқлаш, молиявий коэффициентлар, иқтисодий-математик, статистик методлар, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, макон ва замон усулларидан фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- молиявий ҳолат таҳлили ва ички аудитнинг ахборот базасини шакллантириш бўйича амалий тавсиялар;

- молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг такомиллаштирилган усул ва услублари;

- ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатининг таҳлилий коэффициентларини прогностлаш бўйича амалий таклифлар;

- молиявий ҳолатни тезкор бошқаришда ички аудит хизматини жорий этишнинг асосланганлиги;

- ички аудит хизматини ташкил қилишни такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар.

**Ишнинг илмий янгиллиги** ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолати таҳлили ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Булар қуйидагиларда ўз аксини топган:

- “молиявий ҳолат” тушунчаси бўйича мавжуд ёндашувларни танқидий таҳлил қилиш асосида ҳўжалик юритувчи субъектлар хусусиятлари ва мазмунига аниқлик киритилиб, такомиллашган тавсиф берилди;

- иқтисодий жараёнлар ўзаро узвий алоқадорлигини ақс эттирувчи молиявий ҳолат таҳлили ташкил қилинишининг босқичлари белгиланди;

- иқтисодийётни модернизациялаш босқичида бошқарув ишлари такомиллашуви инобатга олинган ҳолда, молиявий ҳолат таҳлилининг иқтисодий таҳлил тизимидаги ўрни асосланди;

- молиявий ресурслар тузилмаси ва самарадорлигини комплекс таҳлил

килишнинг ташкилий-услубий асосларидан ички аудитни ўтказишда фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди;

- молиявий ҳолатни прогношлаш усули таклиф этилди;
- хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлиги ўзгаришига ички ва ташқи омилларнинг таъсири аниқланди;
- хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳолат ички аудити ташкил қилинишининг услубий асослари ва ташкилий босқичлари такомиллаштирилишига қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;
- ички аудит жараёнида жалб қилинган капитални таҳлил қилиш усулларида самарали фойдаланиш таклифи тавсия этилди;
- молиявий ҳолатнинг ички аудитини ўтказишда таҳлил усулларида фойдаланиш йўллари аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти - тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалардан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида молиявий ҳолат таҳлили ва ички аудитини ташкил қилишнинг амалдаги усулларини такомиллаштиришга қаратилган келгусидаги махсус илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Шу билан бирга, тадқиқот натижаларидан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини таҳлил қилишда ички аудит усулларида фойдаланишда, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо беришда, фойдани кўпайтириш ва рентабелликни ошириш бўйича мавжуд ички имкониятларни аниқлашда, уларнинг молиявий ҳолатини тўғри баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот хулосаларини олий ўқув юртиларида “Иқтисодий таҳлил назарияси”, “Молиявий ва бошқарув таҳлили”, “Аудит” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фаол қўллаш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертациянинг илмий хулоса ва амалий тавсиялари “Ўздонмахсулот” ДАК тизимидаги “Ғалла Алтег” ОАЖ (2008 йил 20 декабрдаги 1/1403-сонли маълумотнома), молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва ички аудитини ўтказишда фойдаланиш учун қабул қилинган.

Тадқиқот натижалари ва амалий тавсиялари Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида “Иқтисодий таҳлил назарияси”, “Молиявий ва бошқарув таҳлили”, “Аудит” фанларини ўқитишда фойдаланиш учун қабул қилинди, (2008 йил 31 декабрдаги 01-4231-сонли маълумотнома).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Давлат аграр университети, Андижон қишлоқ хўжалиги институти бирлашган илмий семинарларида ва Ўзбекистон Банк-молия академиясининг илмий-мувофиқлаштирилган кенгаш мажлисида муҳокамадан ўтган ва химояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижалари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида илмий маърузалар кўринишида баён қилинган ва маъқулланган: “Иқтисодий ён барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар” (Тошкент, 2007); “Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантириш муаммолари” (Тошкент, 2008); “Муस्ताқил Ўзбекистон ёшларининг илм-фан тараққиётидаги фаолияти” (Тошкент, 2008).

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий - тадқиқот натижалари тўртта илмий журналда мақола сифатида ва учта тезислар кўринишида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган ҳамда 8 та расм, 8 та жадвалдан иборат бўлиб, 129 бетни ташкил этади.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида хўжалик субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва ички аудитдан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Буни корхоналарни иқтисодий муस्ताқилликка эга бўлиб, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва молиявий-хўжалик фаолияти натижалари учун мулкдорлар, ходимлар, кредиторлар, инвесторлар ва бошқа буюртмачилар олдида тўлиқ масъулиятга эга бўлиши билан изоҳлаш мумкин.

Корхонанинг молиявий ҳолати унинг фаолиятини турли жиҳатларини акс эттирувчи меҳнат унумдорлиги, фонд самарадорлиги, таннарх, ялли даромад, рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш, ҳар бир кўрсаткични ҳисоблаб чиқиш ва умумий таъсирини баҳолаш асосида аниқланади. Пировардида корхонанинг молиявий ҳолати бозор иқтисодиёти шароитида унинг ишончлилиги, барқарорлиги ва истиқболли эканлигидан далолат бериши керак.

Фикримизча, ишончлилиги корхона ишининг узлуксизлигини ва унинг тўлов мажбуриятларини қоплай олишини билдиради. Иқтисодий адабиётдаги турли ёндашувларни таҳлил қилган ҳолда ушбу тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин:

“Молиявий ҳолат корхонанинг муайян вақтдаги барқарорлиги ҳамда молия-хўжалик фаолиятини узлуксиз юритиш ва қарз мажбуриятларини қўрсатилган муддатда қоплаш учун молиявий ресурслар билан таъминланганлик лаёқатлилигининг акс эттирилишидир”.

Корхонанинг молиявий ҳолатини ҳаққоний ва ишончли баҳолашнинг энг мақбул усули уни таҳлил қилиш, ривожланиш йўналишини кузатиш, хўжалик фаолиятига комплекс баҳо бериш орқали тўғри бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, унинг молия-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти ўртасидаги ўзига хос кўприк вазифасини бажарувчи жиҳатларга аниқлик киритишдан иборатдир.

Фикримизча, иқтисодийetni модернизациялаш шароитида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг асосий вазибалари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир: молиявий ҳолат ва унинг ҳисобот давридаги ўзгаришига умумий баҳо бериш; активлар ва уларнинг шаклланиш манбалари, уларни оқилона жойлаштириш ва самарали фойдаланиш ўртасидаги мувофиқликни ўрганиш; айланма капитал микдорининг кўпайиши (камайиши)ни ҳамда жорий мажбуриятларга мувофиқлигини аниқлаш; молиявий-тўлов ва кредит интизомига риоя қилиш; корхона активлари тузилмаси ва унинг мажбуриятларини ўрганиш; жорий активларнинг, шу жумладан, дебиторлик қарзи ва захираларнинг айланувчанлигини ҳисоблаб чиқиш; корхона баланси ликвидлигини, молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятининг мутлақ ва нисбий кўрсаткичларини аниқлаш; корхона даромадлигини баҳолаш; корхона молиявий ҳолатининг барқарорлигини узоқ ва қисқа муддатли башоратлаш, яъни унинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Корхона молиявий фаолиятининг нормал кечиши, ўз навбатида, қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратади, маҳсулот ишлаб чиқариш узлуksизлиги ва корхонанинг тўлов қобилиятига, молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фикримизча, молиявий ҳолат таҳлилин молиявий барқарорликни таҳлил қилишдан бошлаш керак ва бундай таҳлил қуйидагиларни ўз ичига олади: баланс активлари таркиби ва тузилмаси таҳлили; баланс активларининг шаклланиш манбалари таркиби ва тузилмаси динамикаси таҳлили; корхона молиявий барқарорлиги таҳлили; баланс ликвидлиги таҳлили; корхона тўловга қобилиятининг таҳлили.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бошқарув ходимлари молиявий барқарорликка фақат корхона доирасида таъсир кўрсатиши, бунини ички барқарорлик деб, ташқи омилларга эса, корхона бошқаруви фақат “мослашиши” мумкин, деган хулосага келиш мумкин.

Корхона молиявий ҳолатининг ички аудит тизимини шакллантириш қуйидаги уч элементдан ташкил топган: аудит муҳити, ҳисоб тизими ва аудит тартиби. Барча ҳолларда юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун ишлаб чиқилган қондалар, услублар, низомлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги кўзда тутилади. Ички аудит тизимининг барча элементлари биргалиқда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги таваккалчилик даражасини пасайтиради ва бухгалтерия ҳисобининг янада мукамал бўлишини таъминлайди.

Ички аудит тизимининг ажралмас қисми молиявий таҳлилдир. Таҳлил натижалари субъект бошқарув аппарати молиявий ҳолатига таъсир кўрсатиши ва уни исталган томонга ўзгартириш лаёқатига эга. Шу боис, ички аудитнинг ташкилий-услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш молиявий ҳолатни таҳлил қилиш функциялари ва имкониятларини тадқиқ қилишга асосланиши, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш услубини такомиллаштириш эса, назорат эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ички аудит тизимида корхонанинг молиявий ҳолати ва тўлов қобилиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга яъни, молиявий ҳолат ва тўлов қобилияти корхоналар томонидан молиявий-хўжалик фаолияти, келажакда стратегик мақсадларга эришиш имкониятларини баҳолаш бўйича ҳаракат тактикасини ишлаб чиқишда аудит молиявий таҳлилининг турли амалларидан фойдаланиш ҳисобидан текширилади.

Таҳлилий амаллар ички аудиторларга келгусида қўшимча текширувларга зарурат вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлашга ёрдам беради. Таҳлилий амаллардан фойдаланиш аудит сифатини ошириш ва уни ўтказиш харажатларини қисқартиришга имкон беради.

Ички аудит таҳлилий амалларининг самарадорлиги таҳлилнинг чуқурлиги ва ҳар томонламалиги билан уни ўтказишга кетган сарф-харажатлар нисбатида намоён бўлади. Шу муносабат билан маълумотларни тўплаш, сақлашнинг янги усулларидан ва техник воситаларидан фойдаланиш зарур.

Л.Т.Гилярвская, А.А.Вехареваларнинг фикрларига кўра, “молиявий ҳолат таҳлилини уч босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқ: дастлабки босқич – корхона бухгалтерия ҳисоботини таҳлил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида қарор қабул қилиш; тайёргарлик босқичи – ҳисобот даврида иш шартитларини баҳолаш зарурати тўғрисида баланс билан изоҳ хати орқали танишиш, фаолият кўрсаткичларининг ўзгариши, мулкӣ ва молиявий ҳолатнинг сифат ўзгаришлари йўналишларини белгилаш; асосий босқич – таҳлилий амалларни бажариш, яъни корхонанинг молиявий барқарорлигига баҳо берадиган ва уни комплекс тавсифлайдиган, макон ва замонда қиёсий фойдаланиш мумкин бўлган миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тизимини ҳисоблаб чиқиш”<sup>5</sup>.

Б.А.Ҳасанов молиявий ҳолат таҳлилини учта босқичда амалга оширишни таклиф этади:

1. Олдиндан баҳолаш ва таҳлилни режалаштириш;
2. Ички назорат тизими ва таҳлил ҳолатини баҳолаш;
3. Мустақил аудиторлик тестларини ўтказиш, аудиторлик хулосаларини тузиш<sup>6</sup>.

Биз муаллифларнинг таҳлилий ишларини ташкилий босқичларга бўлиш лозимлиги ҳақидаги фикрларига қўшилган ҳолда, таклиф этилаётган босқичлар таҳлилий ишнинг ташқи аудиторлар томонидан олиб борилиши учун мос келади, ушбу вазиятда бизни корхоналарнинг молиявий ҳолатини ички фойдаланувчилар томонидан ички аудит жараёнида таҳлил қилишдаги таҳлилий тартиблар қизиқтиради. Шу муносабат билан молиявий ҳолат таҳлилида қуйидаги тўртта босқични ажратиш таклиф этилади: 1) таҳлил объектлари ва субъектларини белгилаш, тадқиқотнинг ташкилий шаклларини танлаш ва турли ижрочилар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш; 2) таҳлилий иш дастурини ишлаб чиқиш,

<sup>5</sup> Гилярвская Л.Т., Вехарева А.А. Анализ финансовой устойчивости коммерческого предприятия. - СПб Питер. - 2003. - 50 с.

<sup>6</sup> Ҳасанов Б.А., Алибоев З.А., Зокирова М.Ш. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. -Т :«ФАН», 2003 - б. 18.

уни ахборот ва услубий таъминоти; 3) олинган натижаларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва расмийлаштириш; 4) молиявий барқарорликни таҳлил қилиш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш услублари коэффициентларнинг тўпламидан иборат. Фикримизча, молиявий ҳолатни таҳлил қилишда қуйидаги нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: 1) мустақиллик коэффициенти; 2) қарз ва ўзлик маблағлари нисбати коэффициенти; 3) ўзлик капиталдан фойдаланиш коэффициенти; 4) ўзлик айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти; 5) корхона мулкидаги соф активлар коэффициенти.

Соф активлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг рентабеллиги билан белгиланади, рентабеллик эса корхонанинг соф активлар қийматининг бир сўмига оладиган фойдасини кўрсатади. Кенгайтириш усулидан фойдаланиб мультипликатив икки омилли моделни тузиб, соф активлар рентабеллигини омилли таҳлил қиламиз, ушбу таҳлилни амалга ошириш учун сурат ва махражни сотувлардан олинган фойда микдорига (N) қўпайтирамиз ҳамда сотувлар рентабеллиги ва соф активларнинг айланувчанлиги коэффициентини соф активлар рентабеллигига таъсирини аниқлаймиз:

$$\frac{Pc}{CA} = \frac{Pc}{N} \times \frac{N}{CA} \quad (1)$$

бу ерда:  $\frac{Pc}{CA}$  соф активлар рентабеллиги, %;

$\frac{Pc}{N}$  сотувлар рентабеллиги, %;

$\frac{N}{CA}$  соф активларнинг айланувчанлиги, марта ҳисобида.

Ушбу формулани қуйидаги кўринишда бериш мумкин:  $f = x * y$

Мазкур моделнинг омилли таҳлилини абсолют бирликлар усули ёрдамида жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда амалга оширамиз.

$$\Delta f(x) = \Delta x \cdot x_0, \quad (2)$$

$$\Delta f(y) = x_0 \cdot \Delta y, \quad (3)$$

Молиявий ҳолатни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун биз танлаган молиявий ҳолатнинг баҳолаш кўрсаткичлари тизими бўйича рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишни таклиф этамиз (1-жадвал).

Ҳисоб-китоблар орқали қуйидаги натижаларни оламиз:

$$\Delta f = -10 \times 1,55 = -15 \%$$

$$\Delta f = 23 \times (-0,58) = -13 \%$$

Ҳисоб-китоблар яқунлари бўйича омиллар таъсир баланси қуйидагига тенг:

$-15 + (-13) = -28\%$ . Соф активлар рентабеллигининг пасайиши (-8%) сотувлар рентабеллигининг (-15%) ва соф активлар айланувчанлигининг пасайиши (-13%) туфайли юз берди.

1-жадвал

**Соф активлар ва ўзлик капитали рентабеллигининг омилли таҳлили<sup>7</sup>**

(млн. сўм ҳисобида)

| №<br>т/р | Курсаткичлар  | Йиллар  |         |         |         |         | 2007<br>йилда<br>2006<br>йилга<br>нисбатан<br>ўзгариш,<br>(+/-) |
|----------|---|---------|---------|---------|---------|---------|---|
|          |   | 2003    | 2004    | 2005    | 2006    | 2007    |   |
| 1        | Сотувлардан тушум                                     | 10453,0 | 11342,0 | 13987,0 | 17373,0 | 12042,0 | -5331,0   |
| 2        | Активларнинг ўртача қиймати                           | 9345,0  | 10987,0 | 11890,0 | 12649,0 | 17698,0 | +5049,0   |
| 3        | Соф активларнинг ўртача қиймати                       | 9123,0  | 10131,0 | 10453,0 | 11232,0 | 12378,0 | + 1146,0  |
| 4        | Ўзлик капиталининг ўртача қиймати                     | 9324,0  | 10242,0 | 10413,0 | 11232,0 | 12378,0 | + 1146,0  |
| 5        | Соф фойда   | 1987,0  | 2034,0  | 4137,0  | 5707,0  | 2787,0  | -2920,0   |
| 6        | Активлар айланувчанлиги<br>коэффициенти (1/2)         | 1,11    | 1,03    | 1,17    | 1,37    | 0,68    | -0,69   |
| 7        | Соф активлар айланувчанлиги<br>коэффициенти (1/3)     | 1,14    | 1,12    | 1,34    | 1,55    | 0,97    | -0,58   |
| 8        | Соф активларнинг корхона<br>активларидаги улуши (3/2) | 0,97    | 0,92    | 0,88    | 0,89    | 0,69    | -0,2  |
| 9        | Молиявий маневрлаш<br>коэффициенти (2/4)              | 1,00    | 1,07    | 1,14    | 1,12    | 1,43    | +0,31   |
| 10       | Сотувлар рентабеллиги, % (5/1)                        | 19      | 18      | 30      | 33      | 23      | -10   |
| 11       | Соф активлар рентабеллиги, %<br>(5/3)                 | 22      | 20      | 39      | 51      | 23      | -28   |
| 12       | Ўзлик капитали рентабеллиги, %<br>(5/4)               | 21      | 20      | 40      | 51      | 23      | -28   |

Атрофлича тулик ҳисоб-китоблар олиб бориш ва янада мукамал қўп омилли моделни тузиш учун дастлабки моделдан фойдаланамиз:

$$\frac{P_c}{CA} = \frac{P_c}{N} \times \frac{N}{A} / \frac{CA}{A} \quad (4)$$

бу ерда:  $\frac{P_c}{CA}$  соф активлар рентабеллиги, %;

$\frac{P_c}{N}$  сотувлар рентабеллиги, %;

$\frac{N}{A}$  активларнинг айланувчанлиги, марта ҳисобида;

$\frac{CA}{A}$  соф активларнинг корхона умумий активлари ҳажмидаги улуши, коэф.

<sup>7</sup> "Ғалла Алтег" ОАЖ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Шундай қилиб, биз умумлаштирувчи кўрсаткичнинг омилларга боғлиқлик моделига эга бўламиз:

$$f = \frac{xy}{z}$$

Ушбу модель юқорида санаб ўтилган омилларнинг соф активлар рентабelligига таъсирини баҳолашга имкон беради. Ҳисоб-китобларни занжирли ўрин алмаштириш усулида амалга оширамыз.

$$\Delta f(x) = 23 \cdot 1,37 / 0,89 - 33 \cdot 1,37 / 0,89 = -15,0\%$$

$$\Delta f(y) = 23 \cdot 0,68 / 0,89 - 23 \cdot 1,37 / 0,89 = -18,0\%$$

$$\Delta f(z) = 23 \cdot 0,68 / 0,69 - 23 \cdot 0,68 / 0,89 = +5,0\%$$

Омилларнинг соф активлар рентабelligи ўзгаришига таъсири жами  $\Delta f = -15,3 + (-17,8) + 5,1 = -28$  фоизни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичга: сотувлар рентабelligининг 15,0 фоизга ва активлар айланувчанлигининг 18,0 фоизга пасайиши салбий таъсир кўрсатди, соф активларнинг қорхона активларидаги улушининг ўзгариши эса, соф активлар рентабelligини 5,0 фоизга оширди.

Ички аудит молиявий ҳолатни бошқариш тизимининг бир қисми сифатида, комплекс кўринишда бўлиши ва қорхона молиявий ҳолати таҳлили ички аудитнинг бошқа бўлимлари билан боғлиқликда бўлиши керак. Молиявий ҳолатнинг ички аудитини олиб бориш бўйича берилаётган услубий тавсияларнинг амалга жорий этилиши, фикримизча, қабул қилинаётган жорий ва стратегик бошқарув қарорларининг тезкорлиги ва асосланганлиги молиявий-ҳўжалик фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Фикримизча, ички аудит тизимида таҳлилий амаллардан фойдаланиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши керак: баланс маълумотлари бўйича молиявий ҳолат таҳлили: активлар таркиби, уларни шакллантириш манбалари ва тузилмаси динамикасини таҳлил қилиш; капитал ҳаракати ҳақидаги ҳисобот маълумотлари бўйича ўзлик капитали ҳаракатининг таҳлили; баланс маълумотлари бўйича ликвидлик коэффициентларини ҳисоблаб чиқиш ва баҳолаш; тўлов қобилиятини ички аудитдан ўтказишда таҳлилий амалларни қўллаш; қарз маблағлари ҳаракатининг таҳлили ва ҳ.к. Шу мақсадда тадқиқот жараёнида ички аудитда таҳлилий амаллардан фойдаланиш бўйича назарий ва амалий аҳамиятга эга услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ички аудитда баланснинг активлар таркиби ва тузилмаси динамикасини таҳлил қилиш субъектнинг жами мол-мулки, унинг алоҳида турларининг мутлақ ва нисбий ўзгаришини аниқлаш имконини беради.

Активлар молиявий ҳисоботнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланиб, уларни аудит қилишда активларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, таркиби, тузилмаси ва уларда содир бўлган ўзгаришлар ўрганилади.

Ички аудит ўтказишда активлар таркиби ва уларнинг жойлашишини баланс маълумотлари бўйича таҳлил қилиш учун бизнингча, қуйидагича таҳлилий жадвал тузилиши мақсадга мувофиқ, (2-жадвал).

## 2-жадвал

2003-2007 йилларда “Ғалла Алтег” ОАЖ активлари умумий ҳажми ва таркиби тузилишининг ўзгариши<sup>8</sup>

| Кўрсаткичлар                          | 2003 йил       |            | 2006 йил       |            | 2007 йил       |            | Ўзгаришлар (+,-) 2007 йилда 2003 йилга нисбатан |                       |
|---------------------------------------|----------------|------------|----------------|------------|----------------|------------|---|-----------------------|
|                                       | сумма, млн сум | салмоғи, % | сумма, млн сум | салмоғи, % | сумма, млн сум | салмоғи, % | млн сум (5-ус - 1-ус.)                          | % (5-ус / 1-ус) марта |
| А                                     | 1              | 2          | 3              | 4          | 5              | 6          | 7   | 8                     |
| Активлар қиймати, жами, жумладан:     | 9 345,0        | 100        | 12 649,0       | 100        | 17 698,0       | 100        | + 8 353,0                                       | 1,9                   |
| 1.1. Узоқ муддатли активлар, улардан: | 4 261,3        | 45,6       | 1 507,8        | 11,92      | 1 906,1        | 10,77      | - 2 355,2                                       | 0,45                  |
| а) асосий воситалар                   | 4 149,2        | 44,4       | 1 443,3        | 11,41      | 1 863,6        | 10,53      | -2 285,6  | 0,45                  |
| б) Узоқ муддатли инвестициялар        | 112,1          | 1,2        | 64,5           | 0,51       | 42,5           | 0,24       | - 69,6  | 0,38                  |
| 1.2. Жорий активлар улардан:          | 5 083,7        | 54,4       | 11 140,0       | 88,07      | 15 791,9       | 89,23      | + 10 708,2                                      | 3,1                   |
| а) ишлаб чиқариш захиралари           | 3 738,0        | 40,0       | 8 166,2        | 64,56      | 11 930,2       | 67,41      | + 8 192,2                                       | 3,2                   |

2-жадвалдан кўриниб турганидек, активларнинг ҳақиқий қиймати ҳисобот даврида 8 353,0 млн. сумга еки 1,9 бараварга ошган. Бу эса корхонанинг барқарор ривожланиб бораётганидан далолат беради. Активларни таҳлил қилишда улар қандай жойлашгани, ҳисобот даврида нимага кўпроқ эътибор берилгани, корхонани ишлаб чиқариш салоҳияти, асосий воситаларининг ҳолати, мол-мулкнинг ҳаракатчанлиги даражасини аниқлаб олиш керак. Бунинг учун, дастлаб корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаш зарур. Ушбу масалада иқтисодий адабиётда турли қарашлар мавжуд. М.Қ. Пардаев, Б.И. Исроиловлар таъкидлашларича: “...унинг қиймати асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар, меҳнат потенциалини ўз ичига олади”<sup>9</sup>.

Иккинчи услубиёт бўйича корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини белгилайдиган активлар таркибига, юқорида келтирилган услубиётга кўра, “...туғалланмаган капитал қўйилмалар ҳамда ўрнатиладиган жиҳозлар қиймати қўшилади”<sup>10</sup>. Ушбу услубиёт корхонадаги ривожланиш жараёнини ва унинг моддий-техника базаси ҳолатини аниқроқ акс эттириш имконини беради. А.Д.Шеремет ва Р.С.Сайфулин<sup>11</sup> лар эса: «Хўжалик амалиёти маълумотлари асосида

<sup>8</sup> «Ғалла Алтег» ОАЖнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

<sup>9</sup> Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил ўқув қўлланма - Т.: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001 - б. 76

<sup>10</sup> Ковалев В.В. Финансовый анализ: методы и процедуры - М.: ФинС, 2003. - 235 с.

<sup>11</sup> Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа - М.: ИНФРА-М, 2002. - 179с.

ишлаб чиқаришга мўлжалланган мол-мулк коэффициенти учун қуйидагича чеклов нормал ҳисобланади:  $K_n > 0,5$ » - дея таъкидлайдилар.

Фикримизча, ушбу кўрсаткич миқдори критик чегарадан пастга тушиб кетса-да, корхона фаолиятининг ҳисобот давридаги молиявий натижалари бундай активларни ўзлик маблағлари ҳисобига тўлдириш имконини бермасда, ишлаб чиқаришга мўлжалланган мол-мулкни кўпайтириш учун узоқ муддатли қарз маблағларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ички аудит жараёнида қуйидаги таҳлилий жадвалини тузиш, жорий активлар таркиби ва тузилмасини таҳлил қилиш зарур, (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### 2003 – 2007 йилларда «Ғалла Алтег» ОАЖ жорий активларининг таркибий тузилмаси ўзгариши<sup>12</sup>

| Кўрсаткичлар  | 2003 йил           |                   | 2006 йил           |                   | 2007 йил           |                   | Ўзгаришлар (+, -)<br>2007 йилда 2003<br>йилга нисбатан |                                    |
|---|--------------------|-------------------|--------------------|-------------------|--------------------|-------------------|--|------------------------------------|
|   | сумма,<br>млн. сўм | сал<br>моғи,<br>% | сумма,<br>млн. сўм | сал<br>моғи,<br>% | сумма,<br>млн. сўм | сал<br>моғи,<br>% | млн. сўм<br>(5-ус.-1-<br>ус.)                          | % (5-<br>ус / 1-<br>ус.),<br>марта |
| А   | 1                  | 2                 | 3                  | 4                 | 5                  | 6                 | 7  | 8                                  |
| Жорий активлар,<br>жами,<br>шу жумладан:                  | 5 083,7            | 100               | 11 140,0           | 100               | 15 791,9           | 100               | + 10 708,2   | 3,1                                |
| 1.1. Ишлаб чиқариш<br>захиралари                          | 3738,0             | 73,5              | 8 166,2            | 73,3              | 11 930,2           | 75,55             | + 8 192,2  | 3,2                                |
| 1.2 Дебиторлик<br>қарздорлиги                             | 358,9              | 7,06              | 2 349,4            | 21,09             | 3 412,6            | 21,61             | + 3 053,7  | 9,5                                |
| 1.3. Пул маблағлари<br>ва қисқа муддатли<br>инвестициялар | 986,8              | 19,4              | 624,4              | 5,61              | 449,1              | 2,84              | - 537,7  | 0,46                               |

Келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, корхона активлари қулай динамикага эга. Уларни алоҳида элементлар даражасида ўрганиш эса қуйидаги ҳулосаларга олиб келади. Энг ҳаракатчан активлар – пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар ўтган даврда 537,7 млн. сўмга ёки 0,46 фоизга камайган.

Таҳлилларимиз кўрсатишича жорий активларнинг қиймати таққосланган даврга нисбатан 3,1 мартага ошган. Натижада айланма маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффициенти 0,03 ни ташкил қилган.

Бу коэффициент айланма маблағларнинг ҳаракатчан қисми (пул маблағлари)нинг жорий активлар қийматига нисбати орқали аниқланади ва жорий мажбуриятларни қоплашга йўналтирилаётган маблағлар умумий суммасида тўлов қобилияти улушини кўрсатади.

Аудиторнинг навбатдаги бажарадиган иши – баланс активларининг ҳосил бўлиш манбаларини таҳлил қилишдир. Амалиётнинг кўрсатишича, корхона мол-

<sup>12</sup> «Ғалла Алтег» ОАЖнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

мулкнинг харид қилиниши, келиб тушиши ва яратилиши ўзлик ва қарз капитали ҳисобига юз беради. Ўзлик ва қарз капиталининг нисбати эса, корхонанинг молиявий барқарорлигини белгилайди.

Хўжалик субъектлари тўлов қобилияти унинг молиявий барқарорлигини кўрсатувчи муҳим мезонлардан бири ҳисоблангани учун бозор иқтисодиёти шароитида унга жиддий эътибор берилади.

Корхонанинг тўлов қобилияти одатда тўлов қобилияти коэффиценти орқали ифодаланади, бу коэффицент мавжуд нақд пуллар суммасининг муайян давр учун муддатли тўловлар суммаси нисбатига тенг. Агар тўлов қобилияти коэффиценти 1 га тенг ёки ундан ортқ бўлса, хўжалик юритувчи субъект тўловга қобилиятли ҳисобланади. Агар тўлов қобилияти коэффиценти 1 дан кам бўлса, аудит жараёнида тўлов маблағларининг етишмаслиги сабабларини аниқлаш талаб этилади.

Аудит жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов қобилиятини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишни таклиф этамиз: 1) мутлақ ликвидлик коэффиценти; 2) оралиқ қоплаш коэффиценти; 3) умумий қоплаш коэффиценти.

Умумий қоплаш коэффиценти ликвидли маблағларнинг шошилигча ва қисқа муддатли мажбуриятларни қанчалик қоплашини аниқлаш имконини беради ва шу тариқа баланс тузилмасининг барқарорлигини, корхонанинг қисқа муддатли қарзларини тез қоплай олиш имкониятига эга эканлигини тасдиқлайди. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда корхонанинг жорий ликвидлигини баҳолашда ушбу кўрсаткичга алоҳида эътибор берилади. Унинг кенг қўлланишининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, бу коэффицент жорий активларнинг жорий пасивларни қоплаш даражасини ақс эттиради. Бу қатталиқ қанчалик юқори бўлса, қисқа муддатли мажбуриятларни тўлашга ишонч ҳам шунчалик юқори;

- иккинчидан, жорий активларнинг жорий пасивлардан юқори бўлиши жорий активларни (пул маблағларидан ташқари) сотишда ёки тугатишда зарар кўрилишининг олдини олади. Бу тесқари таъсир қанчалик қучли бўлса, қредиторлар учун шунчалик яқши бўлади.

Корхона ўз ликвидли воситалари ҳажмини уларга бўлган мақбул эҳтиёж чегарасида тартибга солиб туриши керак, бундай эҳтиёж ҳар бир алоҳида корхона учун бизнингча, қуйидаги омиллар билан белгиланади: корхона қатталиги ва унинг фаолият ҳажмлари; ишлаб чиқариш тармоғи; ишлаб чиқариш цикли давомийлиги; материаллар захирасини тиклаш учун зарур бўлган вақт; корхонанинг мавсумий ишлари; умумий иқтисодий конъюнктура.

Таъдикотлар кўрсатишича, корхона молиявий барқарорлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланган тўлов қобилияти баланс ликвидлигига бевоқита боғлиқдир. Шунингдек, корхонанинг тўлов қобилиятига қуйидаги омиллар ҳам жиддий таъсир кўрсатади: мамлакатдаги сиссий ва иқтисодий вазият, молия бозорининг аҳоли. гаров ва банк қонунчилигининг тақомиллашуви, ҳусусий капиталлар билан таъминланганлик, дебитор қорхоналарнинг молиявий ҳолати.

Хўжалик юритувчи субъектлар тўлов қобилиятини аудит қилишда юқоридаги омилларни биргаликда ва ўзаро боғлиқликда кўриб чиқиш аудит қилинаётган корхонанинг молиявий ҳолатини объектив баҳолаш имконини беради.

### 3. ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий ҳулосалар олинди ва амалий тақлифлар ишлаб чиқилди:

1. Таҳлил асосида муаллиф молиявий ҳолатни корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини доимо ўзгариб турувчи ички ва ташқи муҳит омиллар таъсирида даромадларнинг харажатлардан доимо юқори бўлишини таъминлайдиган, унинг ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беришини кафолатлайдиган ва муайян таваккалчилик мавжуд бўлганда инвестициявий жозибadorлигини шакллантирадиган даражада амалга ошириш, корхона капиталини оптимал даражасига, тузимасига эга бўлиш, корхонанинг ўзига юклатилган иктисодий ва ижтимоий функцияларни бажара олиши қобилиятлари билан белгилайди.

2. Молиявий ҳолат аудити тушунчасига “Амалга оширилаётган операцияларнинг ҳисоб-китоб ва ҳисоботда ишончли ақс эттирилиши, уларнинг қонуңчиликка ва корхонанинг ички ҳужжатларига мослиги, активларнинг сақланганлиги ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун ваколатли субъектлар томонидан олиб бориладиган молиявий ҳолатни кузатиш ва текшириш тизими”, деб таъриф берилиди.

3. Иктисодийни модернизациялаш шароитида, молиявий назоратдан ички аудит тизимига ўтиш, прогнозлаш, таҳлилий амаллар ва ташкилий, иктисодий ечимларни асослашдан фойдаланишни тақозо этади ва асосланган самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради.

4. Молиявий ҳолатнинг ички аудитини ўтказишни қуйидаги босқичларга ажратамиз: 1) таҳлилнинг объекти ва субъектини аниқлаш; 2) турли ижрочилар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш; 3) таҳлилий иш дастурини ишлаб чиқиш, унинг ахборот ва услубий таъминоти, олинган натижаларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва расмийлаштириш; 4) таҳлил натижалари асосида бошқарув қарорларини асослаш.

Юқорида келтирилган босқичларнинг изчил қўлланилиши молиявий ҳолатни самарали таҳлил қилишга ва оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тезкор ахборотни қўлга киритишга имкон беради.

5. Меъёрий ҳужжатлар ва аудиторлик стандартлари ички аудит тизимидаги таҳлилий амалларни белгилаб бермаганлиги боис, молиявий ҳолатни ички аудитдан ўтказиш учун таҳлилий амаллардан фойдаланиш алгоритми ишлаб чиқилди.

6. Амалдаги назорат методикаси тўлов қобилиятини, молиявий барқарорликнинг ва молиявий ҳолатнинг ўзгариши сабабларини кўрсатаолмаслиги туфайли, тадқиқот ишида корхонада ички аудитни ташқил қилишнинг ташкилий-услубий масалалари ва талаблари тақлиф этилди.

7. Муаллиф томонидан корхона молиявий ҳолатининг ички аудитини ўтказиш методикаси тақлиф қилинди.

8. Корхонанинг молиявий барқарорлиги фақат маблағлар манбаларининг таркиби билан эмас, балки уларнинг молиявий ҳисобот активларига тўғри киритилганлиги билан ҳам белгиланади. Шунинг учун аудитор ўзлик маблағлари тузилмасини баҳолаш билан бирга, корхона қарз маблағлари тузилмасини ҳам ўрганиши керак. Шу мақсадда ички аудит жараёнида жалб қилинган капитални таҳлил қилиш усулларидан фойдаланиш таклиф этилди.

9. Корхона молиявий аҳолини ички аудитдан ўтказишда унинг молиявий барқарорлиги даражаси бўйича гуруҳлашга имкон берадиган мутлақ кўрсаткичларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун тадқиқот ишида молиявий барқарорлик ички аудитни ўтказишда таҳлил амалларидан фойдаланиш таклиф этилди.

Шундай қилиб, тадқиқот ишида молиявий ҳолатнинг ички аудит методикасини такомиллаштириш бўйича тавсия этилаётган таклифлар мустақиллик, махфийлик, ахборот таъминоти, ахборотни олишдаги тезкорлик, ички аудитнинг замонавий корхонани бошқариш тизимидаги ролини ошириш имконини беради.

#### **4. ЎЗЛАМ ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙҲАТИ.**

1. Гуломхўжаев А.Н. Анализ финансовой устойчивости. // Вопросы экономических наук. М.: 2007. - № 4 с. 157-159.

2. Гуломхўжаев А.Н. Анализ финансовой устойчивости хозяйствующего субъекта. // Иктисодиёт ва таълим - Тошкент, 2007. - № 2 б. 126-128.

3. Гуломхўжаев А.Н. Анализ источников формирования активов хозяйствующего субъекта // Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини шакллантириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб масалалари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами.– Тошкент, 2007. б. 130-133.

4. Гуломхўжаев А.Н. Молиявий қарорларни қабул қилиш асослари. // Мустақил Ўзбекистон ёшларининг илм-фан тараққиётидаги фаолияти мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. Тошкент, 2008. б. 230-232

5. Гуломхўжаев А.Н. Ички омилларнинг молиявий барқарорликка таъсири. // Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантириш муаммолари мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. - Тошкент, 2008. б. 94-95

6. Гуломхўжаев А.Н. Молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг ташкилий жиҳатлари // Биржа-Эксперт. - Тошкент, 2008. – № 7-8. б. 28-31

7. Гуломхўжаев А.Н. Молиявий ҳолат таҳлилий амалларининг ички аудит тизимидаги ўрни // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2008. - №11. б. 63-66

**Иқтисод фаълари номзоди илмий даражасига талабгор Ғуломхўжаев Анвар Насридинхўжаевичнинг 08.00.08 «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича «Хўжалик юригувчи субъектларнинг молиявий ҳолати таҳлили ва аудитини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг**

## **РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** молиявий таҳлил, ички аудит, ташқи аудит, соф активлар рентабеллиги, молиявий ҳолат таҳлили, молиявий ҳолат аудити, молиявий барқарорлик таҳлили, маълумотлар манбаи, омилли таҳлил, молиявий ҳисобот, активлар ва уларнинг шаклланиш манбалари.

**Тадқиқот объектлари:** «Ўздонмахсулот» ДАК тизимидаги «Ғалла Алтег» ОАЖ молиявий фаолияти.

**Ишнинг мақсади:** хўжалик субъектлари молиявий ҳолати таҳлили ва ички аудит усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** киёсий таққослаш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, фарқлаш, сабаб ва оқибат, индукция ва дедукция, макон ва замон, молиявий коэффицентлар, иқтисодий-математик, статистик.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** “молиявий ҳолат” тушунчаси бўйича мавжуд ёндашувларни танкидий таҳлил қилиш асосида хўжалик юригувчи субъектлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг мазмунига аниқлик киритилиб, такомиллашган тавсифи берилди. Молиявий ҳолат таҳлили ва аудитининг ахборот базасини шакллантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди; молиявий ҳолатни таҳлил қилиш усуллари ва услублари тавсия этилди; корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишда таҳлилий коэффицентларни прогнозлаш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилди; молиявий ҳолатни тезкор бошқариш учун ички аудит хизматини жорий этиш асослаб берилди; ички аудит хизматини ташқил қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот ишида қўлланилган таҳлил усулларидан фойдаланиш корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш, фойдани ошириш ва рентабелликни кўтариш бўйича мавжуд ички хўжалик имкониятларини аниқлаш орқали уларнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертациянинг илмий хулоса ва натижалари «Ўздонмахсулот» ДАК тизимидаги «Ғалла Алтег» ОАЖ молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва ички аудитини ўтказиш усулларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот ишидаги илмий тақлиф ва амалий тавсиялардан олий ўқув юртларида «Иқтисодий таҳлил назарияси», «Молиявий ва бошқарув таҳлили», «Аудит» фаълари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** «Ўздонмахсулот» ДАК тизимидаги корхоналар, олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

Диссертация Гуломхужаева Анвара Насритдинходжаевича на тему: «Совершенствование анализа и аудита финансового состояния хозяйствующих субъектов» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08 – «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит».

**Ключевые слова:** финансовый анализ, внутренний аудит, внешний аудит, чистые активы, рентабельность, анализ финансового состояния, аудит финансового состояния, анализ финансовой устойчивости, источники информации, факторный анализ, финансовая отчетность, активы и источники их формирования.

**Объекты исследования:** финансовая деятельность ОАО «Галла Алтег» в системе АК «Уздонмахсулот».

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию внутреннего аудита и анализа финансового состояния хозяйствующих субъектов.

**Методы исследования:** сравнительный анализ, метод группирования, метод цепных перестановок, индукция и дедукция, причины и последствия, место и время, финансовые коэффициенты, экономико-математический, статистический.

**Полученные результаты и их новизна:** дано усовершенствованное определение понятию «финансовое состояние» с учетом особенности отрасли исходя из критического анализа действующего положения; разработаны практические рекомендации по формированию базы данных анализа и аудита финансового состояния; рекомендованы методы анализа финансового состояния; разработаны практические рекомендации по прогнозированию коэффициентов анализа финансового состояния предприятий; обосновано внедрение услуг внутреннего аудита для быстреего управления финансовым состоянием; предложены практические рекомендации по формированию услуг внутреннего аудита.

**Практическая значимость:** использование методов анализа представленных в исследовательской работе, способствует правильной оценке финансово-хозяйственной деятельности предприятия при обеспечении устойчивости финансового состояния путём выявления внутренних хозяйственных возможностей повышения прибыли и рентабельности.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные заключения и практические рекомендации научной работы служат совершенствованию анализа финансового состояния и методов проведения внутреннего аудита в ОАО «Галла Алтег» входящую в систему АК «Уздонмахсулот». Теоретические рекомендации и предложения научной работы используются при совершенствовании учебных программ курсов «Теория экономического анализа», «Финансовый и управленческий анализ», «Аудит» и в процессе преподавания в высших учебных заведениях.

**Область применения:** предприятия системы АК «Уздонмахсулот», высшие учебные заведения.

## RESUME

**thesis of Gulamkhujaev Anvar Nasritdinkhujaevich on the scientific degree competition of the candidate of economic sciences, specialty 08.00.08 – “Accounting, economic analysis and audit” on a theme “Application of analysis and auditing financial condition of companies”**

**Key words:** financial analysis, internal audit, external audit, net assets profitability, analysis of financial condition, auditing of financial condition, analysis of financial reliability, sources of information, factor analysis, financial statement, assets and its source of formation.

**Subjects of the inquiry:** OSC “Galla Alteg” in the system AC “Uzdonmahsulot”.

**Aim of inquiry:** consists of creating theoretical and practical recommendation for implementing internal auditing and analysis of financial condition of the company.

**Methods of inquiry:** comparison, chain exchange, inductive and deductive, financial items, economic-mathematic and statistic methods.

**The results achieved and their novelty:** It is given advanced determination nation “Financial condition” with provision for particularities of the branches coming from critical analysis acting positions. Created recommendations for formation of basis data analysis and auditing financial condition; recommended methods of financial condition analysis; created practical recommendations for forecasting coefficients of financial condition analysis; basing application of internal auditing services for faster control of financial condition; given practical recommendation for formation of internal auditing services.

**Practical value:** usage of methods analysis given in this research work will help depending on the appropriate financial valuation of the company and providing stable condition with the way of using internal financial opportunities to increase credibility and profitability.

**Degree of embed and economic effectiveness:** recommendations in this dissertation will help to apply analysis of financial condition and methods of applying internal auditing in OSC “Galla Alteg” in the system AC “Uzdonmahsulot”. Furthermore, theoretical recommendation and implementation of academic work can be used by teaching classes as such: “Theoretical economic analysis”, “Financial and Managerial analysis” and “Audit” in high education system.

**Sphere of usage:** company in the system AC “Uzdonmahsulot”, higher education institutions.



|                       |              |
|-----------------------|--------------|
| Қоғоз бичими          | 1,2 б.т.     |
| Босишга рухсат этилди | 05.06.2009 й |
| Тиражи                | 100 нусха    |
| Буюртма №             | 438          |

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг  
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон  
шохқўчаси, 49-уй  
e-mail: talaba@tsue.uz